



# XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.  
e-mail: axborotXiasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

2013 йил 26 сентябрь, пайшанба, 39 (515)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



**Фуқаролик жамияти ва ёшлар**

**3 O'ZLIDEP TASHABBUSI**



**Сон эмас, энг муҳими сифат**

**5 ҚҮЙИ БЎҒИНЛАРДА**



**Тадбиркор учун қўшимча имконият**

**6 ФАРМОН ВА ИЖРО**

**САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР ВА ФОЙДАЛИ КЕЛИШУВЛАР**



«Ўзэкспомарказ»да қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва технологияларининг «Food Week Uzbekistan-2013» ҳамда «Agri Tek Uzbekistan-2013» халқаро иттиҳослашган кўргазмалари бошланди. Тадбир Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Expo Position» халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мамлакатимизда ишлаб чиқарувчилари билан Бирга Хитой, Жанубий Корея, Португалия, Венгрия, Ҳиндистон, Польша каби ўндан ортиқ мамлакатдан эллиска яқин компания ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган исчилик ислохотлар самарасида мамлакатимиз экспорт салоҳияти муттасил юксалиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур аънанавий кўргазма хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлики янада кенгайтириш ва замонавий технологияларни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2 >>>



**БАРҚАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ**

Бухоро шаҳридаги Бухоро маданият марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва унинг ҳузуридаги «Камалак» болалар ташкилотига тантанали аъзолик қабул қилиш маросими ўтказилди. Унда шаҳар умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан бир гуруҳига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камалак» болалар ташкилоти кўкрак нишонлари топширилди. Тадбир доирасида ташкил этилган кўргазмада ўқувчилар яратган миллий хунармандчилик буюмлари намойиш этилди, расмлар танловида эса ёшлар тасвирий санъат бораидаги кўникмаларини синовдан ўтказди.

**Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!**

**Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги**

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОҲ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ҲАР БИР ЙИЛГА НОМ БЕРИЛИБ, МАХСУС ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИШ АНЪАНАГА АЙЛАНГАНИ, БУ ЖАРАЁНДА НАФАҚАТ НОМЛАР УЙГУНЛИГИ ВА ТАДРИЖИЙЛИГИ, БАЛКИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ДАСТУРЛАРДА БЕЛГИЛАНАЁТГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ БИР-БИРИНИ ТЎЛДИРАЁТГАНИ, ТИЗИМЛИЛИК КАСБ ЭТИБ, ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРАЁТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ

Ўтган йилларга назар ташласак, улар замирида халқимизга хос фазилатлар мужассам эканига гувоҳ бўламиз. Ён-атрофимиздагиларга меҳр-муруват кўрсатиш, сиҳат-саломатлигини тиклашга кўмаклашиш, кам таъминланганларни ижтимоий ғимоялаш, маҳаллага эътиборни кучайтириш, қарияларни қадрлаш, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни, ташаб-

бускор тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш — буларнинг барчаси аввалги йиллардаги дастурларда акс этибгина қолмай, кундалик ҳаётимизда ҳам ўз ифодасини топти. Бундай ўзгаришлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир, албатта.

Ушбу мақолада ҳам

3 >>>

**Халқаро илмий-амалий семинар**

**Қонунчиликни демократлаштиришнинг самарали механизми**

САМАРҚАНД ШАҲРИДА «ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИ ВА МЕЪБЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ: ҚОНУНЧИЛИКНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амадаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адлия вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда ЕХХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Германиянинг Ф.Эберт номидаги жамағатлари ва Миллий демократия институти (АҚШ) ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг

ваколатоналари кўмағида ташкил этилди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат тузилмалари, ЮНЕСКО, ЕХХТ, Ф.Эберт ва К.Аденauer номидаги жамағатлар, Миллий демократия институти (АҚШ) вакиллари, Бельгия, Болгария, Германия, Жанубий Корея, Россиядан халқаро экспертлар иштирок этди.

2 >>>



(YAA) ойна сурат

**Ўзбекистон тажрибаси ўрганиш, намуна сифатида кўрсатишга лойиқ**

МАЪЛУМКИ, ҚИШЛОҚЛАРДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ, ФУҚАРОЛИК, ШАҲАРСОЗЛИК, УЙ-ЖОЙ КОДЕКСЛАРИ, «ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДА»ГИ ВА БОШҚА ҚОНУНЛАР, ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ ВА ҚАРОРЛАРИДА, ШУНИНГДЕК, БИР ҚАТОР ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИДА МУСТАҲҚАМЛАБ ҚЎЙИЛГАН

2009-2012 йилларга мўлжалланган махсус дастурга кўра, 159 та туманда 650 та янги уй-жой массиви барпо этилган. Ўзбекистонда бу борадаги ишлар изчил олиб борилаётганидан далолатдир. Умумий майдони 3,2 миллион квадрат-метр бўлган 23,6 мингта шинама уйда иссиқ ва совуқ сув, газ ва электр таъминоти

мавжудлиги уларнинг шаҳардан қолишмайди-ган шарт-шароитларга эга эканини кўрсатади, албатта.

2 >>>

**Ҳудудий кенгашларга**

**Депутатлик назорати кучайтириляпти**

2011-2013 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ O'ZLiDeP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН 24 ТА ДОЛЗАРБ МАСАЛА ТУМАН (ШАҲАР) КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯСИГА ОЛИБ ЧИҚИЛИБ, УЛАР ЮЗАСИДАН ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ҳозирги кунда халқ депутатлари вилоят кенгашидаги 60 нафар депутатдан 26 нафари O'zLiDeP вакилидир. Шунингдек, туман кенгашларида 147 нафар, шаҳар кенгашларида 34 нафар партия фаоли бўлиб, улар ҳам худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида иштирок этишяпти.

Қолаверса, қонун ҳужжатларининг ижросини ўрганиш бўйича депутатлик гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолияти кучайтирилиб, жойларда электротариф манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Булунгур, Тайлоқ, Нуробод туман кенгашлари сесси-

3 >>>

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

**«УЧИНЧИ СЕКТОР» ЗИММАСИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?**

ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА 250 ТА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН БЎЛСА, 2013 ЙИЛГА КЕЛИБ УЛАР СОНИ 6 МИНГТАДАН ОШИДИ. ХЎШ, ТАЪМИН-ТАРБИЯ, ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК, ЭКОЛОГИЯ, АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР МАНАФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ФАОЛ ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН «УЧИНЧИ СЕКТОР» ВАКИЛЛАРИ ФАОЛИЯТИ ДАВР ТАЛАБЛАРИГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ЖАВОБ БЕРЯПТИ? ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА УЛАР ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШДИЛАР?

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 24 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божиона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади.\*)

1 Австралия доллари	▲ 2023.91
1 Англия фунт стерлинги	▲ 3438.58
1 Дания кронаси	▲ 389.54
1 БАА дирҳами	▲ 584.47

1 АҚШ доллари	▲ 2146.7
1 Миср фунти	▲ 311.45
1 Исландия кронаси	▲ 17.93
1 Канада доллари	▲ 2086

1 Хитой юани	▲ 350.84
1 Малайзия рингити	▲ 676.13
1 Польша злотийси	▲ 687.87
1 СДР	▲ 3289.3

1 Туркия лираси	▲ 1086.22
1 Швейцария франки	▲ 2356.68
1 ЕВРО	▲ 2838.11
10 Жанубий Корея вони	▲ 19.95

10 Япония иенаси	▲ 216.55
1 Россия рубли	▲ 67.65
1 Украина гривнаси	▲ 268.57

# Ўзбекистон тажрибаси ўрганиш, намуна сифатида кўрсатишга лойиқ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада



Фахриддин ЗОИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

эгаларига топширилиши, бу эса ўтган йилга нисбатан 17,5 фоизга кўпчилигини қайд этмоқдалар. Айни пайтда 300 километрдан ортиқ ичимлик суви ва 280 километрдан зиёд электр тармоқлари ўтказилади. Бундан ташқари қарийб 240 километрлик автомобиль йўли қурилади. Бундай массивлар қурилиши минибанклар, дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, мактаблар, тиббиёт муассасалари, спорт майдончалари ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига олгани билан ҳам юртдошларимиз эътиборини тортаяпти.

Шу ўринда уй-жойлар қурилишини кредит асосида молиялаш мақсадида ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки фаолияти ҳам такомиллашиб бораётганини таъкидлаш лозим. Мазкур банк ташкил этилганидан буён 23,6 минг нафар яқка тартибда уй-жой қурувчиларга 677 миллион АҚШ долларидан зиёд ипотека кредитлари берилди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастур ижросини таъминлашда Осий тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро молия институтлари ҳам фаол иштирок этаётирлар.

Жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредити бўйича асосий қарзини ушун учун имтиёзли даврнинг бир йилга узайтирилиши ҳам кўпимча имтиёз бўлди. Аваллари бу муддат олти ойни ташкил этарди. Маълумки, кредит қарзини 15 йил мобайнида узиш ҳамда йиллик 7 фоиз миқдордаги ставка белгиланган. Шу йилдан бошлаб жисмоний шахслар кредит узилгунига қадар мулк солиғини тўлашдан ҳам озод этилдилар.

Бундан ташқари, яқка тартибда иморат солувчи ер участкасини умр-

бод мерос қилиб бериш кимовли савдоларида эмас, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ўртасида шартнома тузилганидан кейин туман (шаҳар) ҳокими қарори асосида расмийлаштирилган бўлди. Бир сўз билан айтганда, ягона буюртмачи бўлган мазкур компания барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлиб, қишлоқ жойларига уй-жой массивларини қуриш бўйича ягона сиёсат юртияпти.

Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган демократик давлат барпо этиш йўлидан жадал илгарилаб бораётгани, пухта ўйланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг устувор йўналишлари, босқичма-босқич жорий этиш стратегияси бу жараёнда ҳам мустақкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Буни жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омилли» мавзудаги халқаро конференция хулосаларидан ҳам кўриш мумкин. Унда дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан нуфузли халқаро ташкилотлар, молия институтлари ҳамда бошқа тузилмалар вакиллари иштирок этиб, Ўзбекистонда қишлоқларни, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ва уларнинг самараларига юксак баҳо берилди. Конференция иштирокчилари кўлга киритилган ютуқлар, орттирилган тажрибалар ўрганиш, намуна қилиб кўрсатишга лойиқ эканини алоҳида эътироф этилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан мустақкам ўрин эгаллаши, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш йўлидан қатъий ишонч билан оқимлаётганининг яна бир тасдиғидир.

## Самарали мулоқотлар ва фойдали келишувлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА муҳбири

Мираҳмедов Шухрат» фермер хўжалиги ўндан зиёд турдаги сўт маҳсулотларини таклиф этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, таклиф этилаётган технологияларнинг аксариятида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи битилган. Авалги кўргазмаларда хорж технологиялари устувор ўрин эгал-

лаган бўлса, ҳозир чет элликдан қолишмайдиган махаллий технологиялар тури, сифати ва салмоғи сезиларли даражада ошган.

«Food Week Uzbekistan—2013» ҳамда «Agri Tek Uzbekistan—2013» халқаро иқтисосланган кўргазмалари мамлакатимиздаги фермерлар ва ишбилармонлар билан

### КАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо ҳаққин онинг юз ганж ила



Поитахтимизнинг Яқкасарой туманидаги 144-сонли мактабда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Ушбу даргоҳда 1095 нафар ўқувчига таълим-тарбия бераётган устозлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Иқтидори ва салоҳияти билан ном қозонган олтимши кишилик устозлар жамоаси меҳнат қилаётган мактаб ўтган йилларда капитал таъмирдан чиқарилди ва реконструкция қилинди. Барча синфхона ва ўқув кабинетлари замон талабларига мувофиқ жиҳозланди, тўлиқ компьютерлаштирилди.

Мактаб ўқувчилари турли олимпиада ва беллашувларда энг юқори натижаларга эришаётганликлари учун ҳам мазкур таълим маскани жорий йилда мактаблар ўртасида ўтказилган рейтингда биринчи ўринни эгаллади.

## Қонунчиликни демократлаштиришнинг самарали механизми

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎЗА муҳбири

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида иштирокдорлик асосидаги ислохотларнинг дастлабки йилларидан инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинлиги олий қадрият ҳисобланган демократик ҳуқуқий давлат ва ошқ фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Белгиланган мақсадларга эриштириш учун Конституцияга асосланган демократик ислохотларнинг қонунчилик базаси яратилиб, тобора такомиллаштирилмоқда.

ларнинг роли ҳам тобора ортиб бораётди. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича таъқиқот маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти шулар жумласидандир.

Семинарда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Мухаммадиев ва бошқалар шу ҳақида та-

германиялик аксарият экспертлар Ўзбекистон Республикаси Президентини илгари сурган концепцияни ўрганиб, ислохотлар янги босқичга кўтарилиши ва бутун ошқ фуқаролик жамиятини барқарор ҳамда изчил шакллантиришнинг таъминлашга хизмат қилаётгани борасида яқини хулосага келган. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир тажрибанинг ўтказилаётгани Ўзбекистонда қонунчиликни янада демократлаштириш ва бу жараёнда фуқароларни жалб этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганидан дамоландир. Икки вилоятда бу борада тўпланган тажриба, шубҳасиз, мамлакат учун гоёт фойдали бўлади.

### «ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК ЭШТИТУВЛАРИ, ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ КАБИ БУТУН ДУНЁДА УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ДЕЯРЛИ БАРЧА МЕХАНИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНЛАН ҲОЛДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар сифати ва самардорлигини янада ошириш, қонун ижодкорлигини янада демократлаштириш бўйича тажриба ўрганиш борасида старилча тажриба тўпланганини қайд этиди. Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Референдум якунлари ҳақида давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» ва «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролинини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар, Ер қоқеки ва бошқа қўлаб ҳужжатлар умумхалқ муҳокамага тақдим этилди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролик институтларининг ўрни ҳамда аҳамиятини оширишда янги босқични бошлаб берди. Концепцияда белгиланган вазифаларнинг ҳаётта таъбиқ этилиши фуқаролик жамияти институти қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, қонун ҳужжатларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишга кенг жалб қилиш учун асос бўлиб хизмат қилаётди. Шу мақсадда қирқдан ортиқ қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссиялар тўғрисида, Ушбу комиссиялар зиммасига жамоатчилик фикрини ўрганиш вазифаси юксатилди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, нодавлат нотижорат таъқиқотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти мамлакатимизни модернизация қилишда фуқаролик жамияти институти иштирокчини кенгайтиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида» ва «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари устида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Мазкур қонунлар лойиҳаларининг кенг муҳокама этилаётгани жамоатчиликнинг ижтимоий аҳамиятига эга қўшма лойиҳа ва дастурларни ҳаётта таъбиқ этишда ижтимоий шериклик масалаларида, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишдан юксак даражада манфаатдорлидан дамоландир.

— Ўзбекистондаги қонун ижодкорлиги амалиёти билан танишиб, мамлакатимизнинг метёрий-ҳуқуқий ҳаётида мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролинини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар, Ер қоқеки ва бошқа қўлаб ҳужжатлар умумхалқ муҳокамага тақдим этилди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролик институтларининг ўрни ҳамда аҳамиятини оширишда янги босқични бошлаб берди. Концепцияда белгиланган вазифаларнинг ҳаётта таъбиқ этилиши фуқаролик жамияти институти қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, қонун ҳужжатларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишга кенг жалб қилиш учун асос бўлиб хизмат қилаётди. Шу мақсадда қирқдан ортиқ қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссиялар тўғрисида, Ушбу комиссиялар зиммасига жамоатчилик фикрини ўрганиш вазифаси юксатилди.

1 ОКТЯБРЬ — «ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАБИЙЛАР КУНИ»

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунда фуқаролик жамияти институтининг метёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини таъбирлаш, уларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш жараёнида кенг жалб этишга оид ҳуқуқий механизм ўз ифоласини топган. Бу қонун ижодкорлиги жараёни, қабул қилинаётган қонуннинг сифати ҳамда самардорлигини оширишда фуқаролар, жамоат тузилмаларининг иштироки муҳим омил бўлди. Бу борада «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ҳаётта таъбиқ этилиши қонун ижодкорлигини эркинлаштиришнинг мантйқий давоми бўлди. Ушбу ҳужжатта мувофиқ жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларига таълуқли қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасидан ўтказилмоқда.

Қонунчиликнинг демократлаштиришда қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа метёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар сифати ҳамда самардорлигини кузатиб бораётган мустақил таъбиқ қилувчи таъқиқот институти ва марказ-

Бельгия Сенати аъзоси Доминик Тилмансинг сўзларига кўра, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда фуқаролик институтининг кенг жалб қилиш жараёни давлат ҳамда жамият ўртасида бирлаштирувчи бўлиб, концепцияни ҳаётта самарали таъбиқ этилишининг муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Бельгиянинг қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик фикрини ўрганиш амалиёти қўлаб омувий жиҳатларга эга. Яъни, Бельгияда қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси қонун ижодкорлигининг мажбурий босқичи ҳисобланади. Қонун устида ишлаш кўп вақт оқсада, улар юқори сифати ва самардорлиги, амалиётта муваффақиятли жорий этилиши билан ўзини оқтайди.

Айни пайтда мамлакатимизда яна бир ҳужжат — «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама этилаётди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 март куни қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини ҳуқуқий таъбирлаш бўлиб ўтказишга оид фармойишга мувофиқ, ҳуқуқни қўлаш амалиётига янги услуб — ҳуқуқий таъбирлаш амалга ошириш жорий этилди. Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институти, Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг юридик ҳамда жисмоний шахслари қонун лойиҳаси нормаларини амалда муваффақиятли синовдан ўтказмоқда.

К.Аленуэр номлиги жамарма бошқаруви аъзоси, Тюрингия федерал ерининг собиқ бош вазири Дитер Альхаузинг (ГФР) таъкидлашча,

Яна шуни қайд этиш жоизки, ҳуқуқий таъбирлаш ўтказиш давомида жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтининг жисмоний ва юридик шахслар учун ахборот олишининг янги имкониятлари ҳақида кенг хабарлар қилишга доир чоралар қўрилмоқда. Ҳуқуқий таъбирлаш мувофиқ амалга оширилаётган синов самардорлиги ва унинг субъектлари ахборот ошқоралигини таъминлашга доир фаолияти аҳоли томонидан қандай баҳоланаётганини аниқлаш мақсадида ижтимоий таъқиқотлар ҳам ўтказилмоқда. Фуқаролар мазкур синовда иштирок этиш жараёнида қонун лойиҳаси амалда қандай қўлланаётгани, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини қизқичли ортиб бораётгани, ҳуқуқий маданияти мустақамлашиб, жамоатчилик ҳаётида иштирокчи фаолашяётганининг гувоҳи бўлмоқда. Фуқаролик институти ва чет эллик экспертлар иштирокидати семинарлар, конференцияларда қонун лойиҳаси халқаро экспертизасидан ўтказилаётгани ҳам жуда муҳимдир.

— Бундай муҳим мавзудаги халқаро семинарнинг ўтказилиши Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида сиёсий маданият, сиёсий тизимнинг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинлиги билан бирга, умуминсоний қадриятлар ҳамда халқаро таърибига, айтқиса, ҳуқуқ ва қонун устуворлиги қоиғига таъйиб иш қурилатганидан яққол дамоландир, — деди Нотижорат ҳуқуқ маркази директори Леоен Панов (Бошари). — Бу Ўзбекистонда демократик ислохотлар юксак самаралар беришига муҳим омил бўлаётди.

Халқаро семинар қатнашчилари Ўзбекистон таъбирлаш ва халқаро амалиётини ҳар томонлама муҳокама этиб, мамлакатимизга амалга оширилаётган демократик ислохотлар, уларни амалга оширишда фуқаролик институтининг кенг жалб қилинаётгани мазкур туб ўзгаришларни чуқурлаштириш, уларнинг самардорлигини янада ошириш, авваломбор, фуқароларнинг давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини ҳаётта тўла таъбиқ этишга хизмат қилганидан янги босқич экани борасида яқини хулосага келди.

## Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI asr»

### ИСЛОҲОТ ИНСОН УЧУН, УНИНГ ОБОД ТУРМУШИ УЧУН

Ер юзининг сайқали аталмиш Самарқандга «Шарқ тароналари» халқаро фестивали баҳонасида ташриф буюрган бир гуруҳ жаҳон санъат усталарининг эътирофи, шубҳасиз, мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотларга берилган яна бир юксак баҳо бўлди. Уларнинг Оқдарё туманидаги Пулатлархон қишлоғида бунёд этилган намунавий уй-жойлардан олган таассуротлари га эътибор беринг: «Қишлоқда замонавий шаҳар қулайлиги, коммуникацияси бўлса — шу даражада бўлади-да!» Бундай самимий хулосалар дунёнинг турли давлатларидаги шароитларни қиёслаш имконига эга бўлган хорижий санъаткорлар тилидан айтилди.

Дарҳақиқат, машаққатли меҳнат, жуда катта маблағ эвазига амалга оширилган бундай ўзгаришлар жуда қисқа фурсатда натижа берганига меҳмонларнинг қойил қолаётгани бежиз эмас. Бу жараёнда халқ оғирини енгил, мушкулни осон қилиш учун давлат ўз зиммасига бош ислоҳотчилик вазифасини олди. Ўзбек халқи бировга қарам бўлмасдан эзгу амаллар учун ўзида қуч ва имконият топди. Биргина мисол: «Обод турмуш йили» Самарқанд вилоят ҳудудий дастури чора-тадбирларига жами 675 млрд. 812 млн. сўм, 1338,4 минг евро ва 42 минг доллар миқдорига маблағ ажратилди. Бу рақамнинг салмоқли қисми ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Яна бир муқояса: жаҳон оммавий ахборот воситалари айни пайтда ҳам дунёнинг қатор мамлакатларида минглаб иш ўрни қисқартириляётганидан бонг урмоқда. Ана шундай бир шароитда Самарқанд вилоятида жорий йилнинг биринчи ярмидагина 46947 та янги иш ўрни ташкил этилди. Шундан 1770 таси замонавий объектларни ишга тушириш ва мавжудларини модернизациялаш, 550 таси иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш, 17580 таси микрофирмаларни ривожлантириш, 5700 таси яқка тартибдаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳисобига пайдо бўлди. 7700 таси эса касаначилик, 8955 таси фермер ва деҳқон хўжалик-

ларини кенгайтириш, 4693 таси ижтимоий лойиҳалар ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш орқали яратилди.

Янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизациялашга оид лойиҳаларнинг муваффақияти эвазига вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми кескин ортди. Хусусан, ҳудудий дастур доирасида сутни қайта ишлаш бўйича умумий ишлаб чиқариш қуввати 13,6 минг тоннага тенг 4 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунинг учун бундан беш йил олдин «Барак лизинг» компанияси балансидаги иморат шу тартибда «Сазагон Шаҳризода боғлари» фермер хўжалиги иштироғига ўтди.

Пайариқ туманида эса Германиядан келтирилган сутни қайта ишлаш асбоб-ускуналари монтаж қилинмоқда. Самарқанд туманида банк кредити ҳисобига замонавий технологиялар келтирилган бўлса, Тайлоқда қурилиш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Шундай лойиҳалар Жомбой, Оқдарё, Нуробод ва Қўшработ туманларида ҳам изчил амалга оширилмоқда. Вилоят марказидаги янги йилдаги Хитойдан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш линиялари келтирилди. Уруглик тадбиркорлар эса дастур доирасида белгиланган 2 млн. 250 минг евро эвазига технология ускуналарни Туркиядан олдилар.

Маълумки, Самарқанд деганда азалдан серҳосил боғлар кўз олдимизда намён бўлади. Эътиборли томони, бу айёна бугун тамомилан янгича қўришни касб этган. 2013 йилнинг биринчи ярмидагина вилоят бўйича 101 та фермер хўжалиги негизда жами 267 гектарлик янги боғ, 10 та фермер хўжалигининг 320 гектарли ерида интенсив боғ, 33 та фермер хўжалигида 146 гектарлик тоқзор бунёд этилди. Шунингдек, 393,6 гектар майдондаги боғлар реконструкция қилиниб, 204 гектар майдондаги тоқзорлар қайта тикланди.

Вилоятда манзарали қўчатлар экиш, гулзорлар барпо этишга ҳам эътибор юқори. Йил бошидан буён экилган қўчатлар ва қаламчалар 12 млн. донадан ошди. Айни пайтда дарахт ва бута қўчатлари вилоятдаги 7 та олий ўқув юрти ва Самарқанд шаҳри ҳудудидаги асосий қўча ва майдонлар кўрқига кўрқ

қўшмоқда. Фақатгина сўнгги ойларда гул экилган майдонларнинг ўзи 48 гектарга етгани ҳам бу борадаги ишлар кўлами ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

36 гектарлик боғ ҳудудига эга санъат коҳонаси эса барчанинг диққатини ўзига жалб этмоқда. Қурувчиларнинг маълум қилишича, мазкур объект учун 43 млрд. 400 млн. сўм маблағ сарфланган. Фарғона Олимпия

### ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ФАРҒОНА ШАҲРИНИНГ БОШ РЕЖАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, 2012-2015 ЙИЛЛАРДА ИЖТИМОЙ ВА ТРАНСПОРТ- КОММУНАЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚУРИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ФАРҒОНАНИ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРТИРИШ, ОБОД ҚИЛИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТДИ.

### ВОДИЙ ГАВҲАРИ КЎЗНИ ҚАМАШТИРАДИ

Фарғона вилоят ҳокимлиги мутасаддиларининг айтишича, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига ҳудудда ўзлаштирилган сармоялар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,6 фоиз, қурилиш ишлари эса 16,7 фоизга ўсган. Хорижий инвестиция иштирокидаги 117 та корхона томонидан 436,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу борадаги ўсish кўрсаткичи 111 фоизни ташкил этди. Биргина «GM Uzbekiston» қўшма корхонасига 183 турдаги бутловчи ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаб бераётган «UZSUNGWOO» қўшма корхонасининг вилоят саноат маҳсулотларидаги улуши 4,5 фоиз экани бу ердаги иш кўламининг қанчалик юқорилигидан далolat бериши мумкин. Корхона йилга 82,7 млн. АҚШ доллари миқдорига маҳсулот тайёрлаш баробарида 25 млн. доллар миқдорига валютани тежаб қолиш имконини ҳам берапти.

Йирик мажмуалардан яна бири — «Фарғона Турон текстили» масъулияти чекланган жамияти йилга 8 минг 200 тонна калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг 82 фоизи экспортга йўналтириляётганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Эътироф этиш керакки, Президентимизнинг «Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Фарғонани бутунлай ўзгартириш, обод қилиш учун кенг имкониятлар яратди. «Файз бинокор» корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этиляётган,

захиралари спорт коллежининг ёпиқ сузиш ҳавзасига эса 5 млрд. 300 млн. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган.

2013 йилда маҳаллий ҳокимликлар балансидаги 102,3 км. (6,1 млрд. сўм) йўллар тўла ва жорий таъмирланиши режалаштирилган эди. Ўтган олти ойда 91 км., шундан 34,7 км. шаҳар посёлкалари, 56,3 км. ички йўллар, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва қулайликлар яратиш мақсадида эса 57 та ичимлик сув қудуқлари, 42,6 км. ичимлик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, оилавий тадбиркорлик ва хўнарамандчиликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан 7,1 млрд. сўм миқдорига кредит ажратилди.

Хар бир туман ва шаҳарнинг ихтисослашуви, мавжуд инфратузилмаси, модернизация ва реконструкция қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурга асосан шу кунгача 1359 та лойиҳа амалга оширилиб, 65,1 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция ўзлаштирилган. Натижада, вилоятда 6478 та янги иш ўрни ташкил этилган. Шунингдек, 10 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, аҳолига 5 млрд. сўмга яқин хизматлар кўрсатилган. Жумладан, саноат бўйича 235 та, хизмат кўрсатиш бўйича эса 899 та, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича 255 та лойиҳа ниҳоясига етказилган.

Бир сўз билан айтганда, бугунги Фарғона яшарли ва янгиликни оғушида яшамоқда. Энг муҳими, бундай янгиликларни фарғоналикларнинг ўзи, ўз қўллари билан амалга оширмоқдалар.

ЭЛЕКТОРАТ  
МАНФААТИДАН  
КЕЛИБ  
ЧИҚИБ



### Ҳудудий кенгашларга

## Депутатлик назорати кучайтириляпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Илхом БОТИРОВ,  
O'zLiDeP Самарқанд  
вилоят кенгаши  
раисининг биринчи  
ўринбосари

Чунки тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш гоёт муҳим аҳамиятга эгадир. Депутатлик гуруҳи иш режаси ҳам айнан партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, хусусий сектор вакиллари манфаатларига қаратилган қонунлар, қарорлар ва давлат дастурларининг ўз вақтида бажарилиши диққат марказида тутиляпти.

Оқдарё туманида эса Президентимизнинг «Қишлоқ ва шаҳар аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилаш ва табиий газдан тежамли фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси, Қўшработ туманида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тегишли корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалалар қатъий назорат қилиняпти. Қўшработ туманида Юртбошимизнинг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ба-

жарилиши атрофлича ўрганилмоқда. Шунингдек, яқин орада депутатлик гуруҳи томонидан Самарқанд туманида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ер танлаш, қурилиш-пудрат танловлари ҳамда янги турар-жойларга ичимлик сув, табиий газ тармоқларини тортиш ва бошқа қулайликлар яратиш бўйича туман ҳокимининг ўринбосари ҳамда бош мезмор ҳисоботларини эшитиш режалаштирилган.

Вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи йиғилишида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ижросида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ижросида атрофлича кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун қабул қилинганидан бери яратиб берилган имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, оилавий корхоналар ташкил қилаётган тадбиркорлар сўғи кенгайиб бораётган. Юқорида тилга олинган туманларда бу борада салмоқли натижаларга эришиляпти. Жумладан, Пайариқ тумани ҳокимлиги масъул ходими Дилшод Сувоновнинг айтишича, ўтган йили ҳудудда 422 та яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса улар сони 200 дан зиёд-

роқни ташкил этди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар асосан қурилиш, қандолатчилик, тикувчилик ва сервис соҳасида фаолият юритишмоқда.

Масалан, Пайариқда тегирмончилик фаолияти билан шугулланаётган оилалар кўпчилигини ташкил этади. Ҳамма гап уларнинг имкониятларидан кенгроқ ва ўлароқ фойдаланишдир. Оқдарё туманида бахмал матоси ва мрамр ишлаб чиқаришга ихтисослашган иккита оилавий тадбиркорлик корхонаси фаолият юритаётган бўлса, Қўшработ туманида бундай субъектлар сони тўрттани ташкил қилади.

Бундай кўрсаткичлар фаолиятимизни янада кучайтиришни тақозо этади, албатта. Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида O'zLiDeP фаолиятини янада кучайтириш» мавзусидаги тадбирда ҳам қонунийлик асосларини янада тақомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий ҳаққонанга тўла қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Унда ҳам асосий эътибор амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш лозимлиги, бунда депутатлик назоратини янада кучайтириш зарурлигига қаратилди.

## ХАБАРЛАР

### ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ЁШЛАР

Нурота туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежиди O'zLiDeP ташаббуси билан «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни ва роли» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий вилоят ҳудудий бўлимига етакчи мутахассиси Жонибек Шуҳратов, O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши аппарати раҳбари Дилшод Мамаражабов, «Қамолот» ЕИҲ Нурота туман кенгаши раиси Жасур Бобоназаров сўзга чиқиб, ёшларга истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, фуқаролар, айниқса, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол вояга етишлари, уларнинг ҳаётда ўз ўрниларини топишлари учун яратилган қулай шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиши ёшлар учун муҳим эканини таъкидладилар. Тадбир сўнггида коллеж ўқувчилари ҳамда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳаваскорлари томонидан намойиш этилган «Ватан мадҳини куйлаймиз» деб номланган театрлаштирилган концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда, шунингдек, туман ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида иш бошлаган Ақром Аллаев етакчилигидаги бошланғич ташкилотга рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома топширилди. Мансур АСЛОНОВ.

### ТАДБИРКОР ШОҲБЕКАТ ҚУРДИ

Норин тумани маркази — Ҳаққулбод шаҳрида маҳаллий тадбиркор Каромат Аҳмаджонова сазъ-ҳаракати билан барча қулайликларга эга бўлган замонавий автошоҳбекат барпо этилди. Наманган вилояти ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, шоҳбекат қурилишига 300 миллион сўм маблағ сарфланган бўлиб, унинг ҳудудида 28 та маиший хизмат ва савдо шохбечалари ташкил этилган. — Мажмуа фойдаланишга топширилгач, бу ерда ўндан ортик янги иш ўрни яратилди, — дейди мажмуа раҳбари К.Аҳмаджонова. — Эндиликда йўловчилар нафақат туман ҳудудидаги кишлоқларга, балки қўшни вилоятлар ва Тошкент шаҳрига катновчи транспорт воситаларидан ҳам фойдаланиш имконига эга бўлдилар. Ш.ХУҲАЕВ.

### БИР ХОВУЧ ДУР

Арасту айтади:  
— Улугликка эришиш ниҳоятда қийин, аммо хорлик ва забунликка тушиб қолиш жуда осон. Одамларнинг айбини қидириб юрган киши улуглик даражасига эришолмайди.  
\*\*\*  
— Кўп гапирадиган, гапни чўзадиганлар билан қандай муомала қилиш керак? — деб сўрадилар Фаробийдан.  
— Кўп гапиргани кам тинглаш керак! — деди у.



САМАРҚАНД



Иштихон туманидаги «Чевар Раҳима» хусусий корхонаси қошида фаолият юритаётган қуйи бўғин ташаббуси билан «Мустақиллик йилларида тadbиркорлик ва фермерлик ҳаракатининг равнақи» мавзuida давра суҳбати ташкил этилди. Мулоқотда хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган мустаҳкам қонунчилик базаси тadbиркорлик ва фермерлик ҳаракатининг иқтисодий тизимизда устун мавқега эга бўлишига мустаҳкам замин яратгани хусусида атрофлича сўз юритилди.

НАВОИЙ



Навбахор туман Иқтисодий касб-ҳунар коллежида О'zLiDeP лойиҳаларининг моҳияти ва амалии самаралари мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда жойларда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий партияларнинг ваколат ва имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш борасидаги таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2013 йил 26 сентябрь, пайшанба

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi\_asr@mail.ru



**ШУМАНАЙДА ЯНА БИР БҲТ**

«Шоманай нури» газетаси Қорақалпоғистонда фаолият олиб бораётган нуфузли нашрлардан биридир. Яқинда 10 нафардан зиёд ижодий ходим бошини қовуштирган ушбу газетада бошланғич ташкилот тузилди. Унга Мийригул Байдуллаева етакчи этиб сайланди. — О'zLiDePнинг дастурий ғоя ва мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари ҳаётда катта имкониятга эга, — дейди БҲТ етакчиси. — Буни тажрибадан яхши биламиз. Партия Устави ва Дастурида ОАВ фуқаролик жамиятининг асосий устунларидан бири сифатида эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Зеро кундалик ҳаётимиз билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, кишиларда соғлом онг ва тафаккурни шакллантириш, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар ижросини таъминлашда матбуотнинг алоҳида ўрни бор. Шундай экан, партиявий бурчга масъулият билан ёндашиб, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлиги йўлида янада фаолроқ меҳнат қилишимиз лозим. Ўз мухбиримиз.



**ОНЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ**

Тўрақўрғон туман тиббиёт бирлашмасида О'zLiDeP тарафдорлари сони 50 нафардан ошди. Бирлашма бошланғич партия ташкилоти саъй-ҳаракати билан яқинда бу ерда «Оила кўрғонининг чароғони» мавзuida давра суҳбати ўтказилди. БҲТ раиси Гулханой Холматова таъкидлаганидек, ислохотлар жараёнида оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш, аёлларни спортга кенг жалб этиш ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этади. Шундай экан, бу борада қуйи бўғинлар фаоллик ва ташаббускорликни янада оширишлари, жамиятимиз таянчи саналган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари лозим. Аҳроржон МУСУРМОҢОВ.

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ УЧТЕПА ТУМАНИДА О'ZLIDERНИНГ 58 ТА ҚУЙИ БЎҒИНИ БЎЛИБ, УЛАР ЖОЙЛАРДА ПАРТИЯНИНГ ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАРИНИ ОММАГА ЕТКАЗИШ, ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ТАРАФДОРЛАР САФИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР**

Бехзод ИСРОИЛОВ, «XXI asr»

Буни пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 3-болалар клиникасида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот мисолида ҳам кўриш мумкин. Партиявий бурчга масъулият ва талабчанлик билан ёндашиб кутилган натижаларни бермоқда. Яқинда сергайрат, ташаббускор ёшлардан 25 нафари партия сафига қабул қилинди ва шу тариқа жами аъзолар сони 62 нафарга етди. Бу эса жамоада либерал-демок-

бошладик. Ҳозирги кунда жамоа аъзолари ўртасида партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб этиш, ғоявий-сиёсий ишларни кучайтиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшяёмиз. Интилганга эса толе ҳамиша ёрди.

Чиндан ҳам шундай. Айниқса, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор масалаларга БҲТ томонидан алоҳида эътибор қаратилётганини таъкидлаш жоиз. Жорий йилнинг ўзида қуйи бўғин саъй-ҳаракати билан 15 нафар малакали мутахассис доимий ишга қабул

**О'ZLIDER УСТАВИДАН**

**БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ, ПОЙДЕВОРИНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН БЕВОСИТА АЛОҚАДА ИШ ЮРИТИШ ВА УЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛГАН ПАРТИЯНИНГ ҚУЙИ ТУЗИЛМАСИДИР.**

ратик ғояларга қизиқиш кучайиб бораётганидан далолатлар.

— О'zLiDeP тadbиркорлар ва инбилармонлар манфаатини ҳимоя қилаётган сиёсий куч бўлишига қарамай, бошқа соҳаларга ҳам эътибор кучайтирмоқда. — дейди тиббиёт ҳамшираси Гулҳаё Асқарова. — Зеро биз ҳам партиявий тadbирларда иштирок этиб, тегишли адабиётларни мутолаа қилгач, ишбилармонлик ҳаракатининг моҳиятини чуқурроқ англай

қилинди. Йилнинг ҳар чорағида умумжамоа ҳашарлари уюштириш, тева-рак-атрофни ободонлаштириш ишларида ҳам партия фаолларининг ҳиссаси катта бўлаётди.

— Президентимиз мустақилликнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табриғида Ўзбекистонда инсон саломатлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, натижада оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайган-



Солмак ЭОИР олган сурат

лиги, ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайганлиги, халқимизнинг турмуш маданияти тобора ўсиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Бу, аввало, тиббиёт соҳасида босқичма-босқич амалга оширилаётган тибб ислохотлар самарасидир, — дейди БҲТ раиси Нафиса Жўраева. — Демак, биз — саломатлик посбонлари зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, янада фаолроқ ишлашимиз,

инсон манфаати, юрт равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилишимиз лозим. Қолаверса, партиявий бурчимиз ҳам шуни тақозо этади.

Дарҳақиқат, бошланғич ташкилот давр талабларидан келиб чиқиб, ўз мавқеини тобора мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Бу борада БҲТ ташаббуси билан ўтказилаётган давра суҳбатлари, жонли мулоқотларнинг аҳамияти катта бўлаётди. Чунончи,

«Фуқаролик жамиятини шакллантиришда О'zLiDePнинг ўрни ва устувор вазифалари», «Соғлом авлод буюк ишларга қодир», «Ёшлар — обод жамиятни барпо этишда ҳал қилувчи куч», «Чекмасдан саломатлик гашишни суриш» каби мавзулардаги учрашув ва очик мулоқотларда 300 дан зиёд тингловчи иштирок этди. Энг муҳими, улар ана шу жараёнда ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб топиб, О'zLiDeP фаолияти ҳақида етарли маълумотга эга бўлмоқдалар.

Тўғри, гап ўтказилган тadbирларнинг сонидан эмас, албатта. Энг муҳими, бошланғич ташкилот жамоада ишчанлик муҳитини шакллантиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу борада О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг «Бошланғич партия ташкилотлари томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва уларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, десак янглишмаймиз.

Эътиборлиси, жамоадаги аҳиллик ва иноқлик ҳам янгидан-янги ютуқларга замин бўлаётди. Шу ўринда тумандаги тadbиркорлик субъектлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиз. Уларнинг беминанат ёрдами билан тиббиёт муассасаси зинасига замонавий эшикромлар, зинапоя тутқичлари ўрнатиб берилди. Бунга ўхшаш мисоллар кўп, албатта.

Ҳозирги кунда клиникада 470 нафар малакали шифокор ва тиббиёт ҳамшираси меҳнат қилиб, шаҳримизнинг Учтепа, Шайхонтоҳур, Олмазор, Сергели ва Чилонзор туманлари аҳолисига намунали хизмат кўрсатишга тайёр. Бўлимларнинг моддий-техник жиҳатдан тўла таъминланганлиги турли касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш имконини берапти.

Бир сўз билан айтганда, жамоанин кўп қиррали ҳаётини БҲТ фаолиятидан айри тасаввур қилиш қийин. Партия аъзоларининг саъй-ҳаракати билан даволаш-профилактика ишлари яхшиланиб, тарафдорлар сафи тобора кенгаймоқда. Бу эса жойларда О'zLiDePнинг сиёсий мавқеи ва нуфузи ошиб бораётганидан далолат беради.

**Депутатлар жалб этилди, мутасаддининг эса ҳисоботи эшитилди. Ва...**

**О'ZLIDER СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИНИНГ «БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН ЖОЙЛАРДАГИ ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ ВА БОШҚА МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИ ПАРТИЯВИЙ ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ ҲАЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ЖОЙЛАРДАГИ ҚУЙИ БЎҒИНЛАР ФАОЛИЯТИНИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ЖОНЛАНТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ**

Ўз мухбиримиз

— Мазкур ҳужжатда бошланғич ташкилотларнинг электротар манфаатини ҳимоя қилишда фаол қатнашиши, бу борадаги ишларни бажариш тартиб-қоидалари муфассал баён этилгани айни муддао бўлди. — дейди О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши масъул ходими Умида Рустамова. — Айни пайтда Бухоро шаҳридаги 46 та БҲТ 1174 нафар партия аъзосини бирлаштирган ҳолда фаолият олиб бораётган. Таъкидлаш зарурки, ташаббускор партия аъзоларидан иборат қуйи бўғин ҳар қандай масалага ечим топиши, бунга депутатлар, мутасадди илорлар эътиборини қаратиши мумкин экан.

Мана бир мисол: яқинда «Ширбулин» қишлоқ фуқаролар йилғинидаги БҲТга Сувайлар кўчасида яшовчи бир гуруҳ

фуқаролар канализация қувури эскиргани оқибатида муайян қийинчиликлар юзага келаяётгани юзасидан мурожаат қилгандилар.

БҲТ аъзолари ўз йиғилишларида ана шу мурожаатни атрофлича муҳокама қилдилар. БҲТ раиси А.Исаев бошчилигида жамоатчилик комиссияси тузилди. Унинг ҳулосаси асосида масала партия шаҳар кенгашига олиб чиқилди. Бу ишга О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам жалб этилди. Охир-оқибат вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бирлашмасининг шаҳар бўлимига депутатлик сўрови юборилди. Аммо бир ярим ойда ҳам мазкур ташкилотдан ҳеч қандай жавоб қайтарилмагач, депутатлик гуруҳи йиғилишида «Сувоқова»нинг шаҳар бўлими раҳбари вазифасини бажарувчи Р.Кўчқоровнинг ах-



бороти эшитилди. Депутатлар айни пайтда ушбу муаммонинг ҳал этилишини ўз назоратларига олганлар. Ҳа, чиндан ҳам сайловчи, оддий фуқаро мурожаати сиёсий партия аъзолари, айниқса, БҲТлар, депутатлар зиммасига алоҳида

масъулият юклайди. Юқоридагидек мисоллар эса О'zLiDeP Устави ва Сайловолди платформасида БҲТларнинг фаоллигини оширишга қаратилган вазифалар жойларда изчил амалга оширилаётганидан далолат беради.

**ТАРАФДОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА**

О'zLiDeP Жалолқудуқ туман кенгаши таркибидаги қуйи бўғинлар сони яна биттага кўпайди. «Пилла» масъулият чекланган жамиятининг олти нафар аъзоси БҲТ ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. — Партия дастурий вазифаларини амалга ошириш, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, либерал-демократик ғояларни кенг тарғиб қилиш борасида зиммамизга катта масъулият олдик, — дейди БҲТ раислигига сайланган Ёкубжон Расулов. — Буни яхши тушунамиз, албатта. Энг муҳими, аъзоларимизнинг барчаси сиёсий етуқ, билимдон, ташкилотчилик қобилиятига эга ёшлардир. Улар бизнинг асосий таянчимиз, албатта. Ўз мухбиримиз.

## Тадбиркор имконияти янада кенгаймоқда

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИДАН СЎНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТЕГИШЛИ ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, ЖУМЛАДАН, ХЎЖАЛИК СУДЛАРИГА ДАВВО АРИЗА ВА ИЛТИМОСНОМАЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН ТАРЗДА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАҲРИҚИГА ЭҒА БЎЛДИЛАР**

**Қобилжон КОМИЛОВ, Ойбек АСАТОВ,** Самарқанд вилоят хўжалик суди судьялари

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қатор нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига асос бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фармонда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида 2013 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам қабул қилинди.

Авваллари судга берилган даवво аризаларида суд ҳужжатларининг етказилишини таъминлаш мақсадида фақатгина тарафларнинг почта манзили кўрсатилади, холос. Энди электрон почта манзили, телефон ва факс рақами ҳам кўрсатилиши мумкин. Илгари судда қатнашиши лозим бўлган субъект эгаси почта хабарномаси ёки тилхат орқали хабардор қилинган бўлса, эндиликда суд ҳужжати электрон тарзда ҳам жўнатила-япти. Қисқа қилиб айтганда, тадбиркор ўз даवво аризасини судга олиб келиши



ёки почта орқали жўнатиши шарт эмас. Идорасида ўтириб, ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда даво аризасини судга тақдим этиш ва натижасини билиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг

23-моддаси янги банд билан тўлдирилди. Яъни, 2013 йилнинг 1 майдан эътиборан иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан, акциядорлар, акциядорлар билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик

ширкатлари ва жамиятлари фаолиятдан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар бевосита хўжалик суди томонидан ҳал этилади. Демак, хўжалик низолари туркумига яна бир янги низо тури қўшилди. Унга кўра акциядорлар ва акциядорлик жамиятлари фаолиятига оид, юридик тил билан айтганда, корпоратив низолар ҳам хўжалик судида кўрилади.

Ҳозирда юртимиздаги фаолият кўрсатаётган тадбиркор Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг марказлашган сайти (<http://www.economic-court.uz/>) орқали жойлардаги хўжалик судларига ҳам давво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин. Буни биргина Самарқанд вилоят хўжалик судида тадбиркорлик субъектлари томонидан ахборот тизими орқали юборилган 30 дан ортиқ давво аризаси асосида иш қўзғатилиб, қонун доирасида кўриб чиқилганида ҳам кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакатимиз иқтисодиётида салмоқли улушга эга тадбиркорлик субъектлари вакилларининг хотиржам фаолият юритишлари учун яратилган имкониятлар кўлами йил сайин кенгайиб бораёяпти.

### БЕШТА ЛОЙИҲА УЧУН 73,5 М.ЛН.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилган навбатдаги танловда Қашқадарё вилоятдан тақдим этилган лойиҳаларнинг бештасига юқори баҳо берилди. «Экосфера» нодавлат нотижорат экологик марказининг «Қашқадарё хавзасидаги камёб ва йўқолиб кетаётган ўсимлик турларини аниқлаш ва уларни қайта тиклаш методларини ишлаб чиқиш», «Муруват» нодавлат нотижорат муассасасининг «Соғлом турмуш тарзи — менинг турмуш тарзим», «Умид» ташаббусларни ривожлантириш марказининг «Салоҳиятли ННТлар — ишончли ҳамкорлар», «Футбол-фаворит» газетасининг «Соғлом турмуш тарзи тарғиботи», шунингдек, «Соҳибқирон юлдузи» журналнинг «Иқтидорли ва шижоатли ёшлар» лойиҳалари шулар жумласидандир. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун фонд томонидан 73,5 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилди. — Маълумки, бугун спорт илҳомдорлари ўзларига зарур бўлган маълумотларни асосан Интернет тармоғидан оладилар, — дейди «Футбол-фаворит» газетаси муассиси — «Оташ ҳамкор ношар» МЧЖ раиси Шохиста Пирматова. — Шунинг учун ҳам биз айнан Интернет тармоғи орқали соғлом турмуш тарзи тарғиботини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқишга қарор қилдик. Бунинг учун аввал газетамиз сайтини яратиш, кейин эса мазкур электрон нашрда ёшларни спорт билан шуғулланишга чақирувчи мақола ва хабарлари жойлаштиришни режалаштирганмиз. Ш.Хўжаев



**СИРДАРЁ.** О'зЛиДеР Сирдарё туман кенгаши ташаббуси билан Малик кишлоқ фуқаролар йиғинида «Тадбиркорлик — аҳоли бандлигини таъминлаш кафолати» мавзусида семинар ташкил этилди. Тадбирда фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган маҳаллаларда оилалар фаровонлигини таъминлаш, уларнинг иқтисодий-иқтисодий аҳолини янада яхшилашда тадбиркорликнинг беқиёс имкониятларидан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

**БУХОРО.** Вобкент туманидаги «Қурувчи» маҳалла фуқаролар йиғинида О'зЛиДеРнинг «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги мулоқот бўлиб ўтди. О'зЛиДеР туман кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда тижорат банклари вакиллари, «Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими, Хотин-қизлар қўмитасининг Вобкент туман бўлими

ҳодимлари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этилди. Учрашувда асосий эътибор банк кредитларини олиш ва улардан самарали фойдаланиш, гаров таъминоти турлари ва гаров ҳужжатлари ҳамда бизнес-режаларни расмийлаштириш масалаларига қаратилди. Энг муҳими, тадбирда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг таъминоти, тадбиркорликнинг бу турини ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, қонунда яратиб берилган имконият ва имтиёزلар хусусида агрофлича сўз юритилди.

**ЖИЗЗАХ.** «Мулкдор оила-2013» лойиҳасининг вилоят босқичи доирасида ташкил этилган навбатдаги ўқув-семинарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантиришда банк-молия муассасалари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, бизнес лойиҳаларини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда кредитларни расмийлаштириш хусусида қатнашчиларга агрофлича маълумотлар берилди. Семинарда ҳар бир иштирокчи ўз бизнес-режаси тақдимотини ҳам ўтказди. Фойлиб топилган бизнес лойиҳалар эгаларига тижорат банкларида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

## ХАБАРЛАР

### ДЕҲҚОНОБОД ЛАМПАЛАРИ КИССАНГИЗНИ ҲАМ «ЕРИТАДИ»

Маиший техника воситалари бозорига электр энергияни тежайдиган маҳсулотлар, жумладан, шундай жиҳатга эга лампаларга талаб ортиб бораёпти. Ҳисоб-китобларга кўра, энергия тежайдиган чироқлар спиралли лампаларга нисбатан бир неча баробар кам энергия сарфлайди. Эътиборлиси, бу турдаги лампалар ўзимизда — Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида ишлаб чиқарилмоқда. Вилоят ҳокимлиги матбуот хизматининг хабар беришича, «Шўртангазим» мажмуаси қошида ташкил этилган цехда Хитойдан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида бир кунда уч турдаги 2600-2800 дона лампа ишлаб чиқарилаёпти. — 2011 йилда иш бошлаган цехда айни пайтда 47 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилляпти, уларнинг 29 нафари касб-хунар коллежи битирувчиларидир, — дейди корхона иқтисодчиси Халим Бекмирзаев. — Маҳсулотимизга кундан-кунга талаб ортиб бораётганини ҳисобга олиб, цехимизда ишлаб чиқариш қувватини янада оширишни режалаштиряпмиз. — Мен корхонада кузатувчи бўлиб ишлайман, — дейди ўтган йили Деҳқонобод агросаноат коллежини битириб, шу ерга ишга жойлашган Асомиддин Шодиев. — Ойлик маошимиз яхши. Мутахассислигим бўйича ишлаётганимдан ва корхонамизда тайёрланган лампалар кўплаб юртдошларимиз хонадонини ёритаётганидан фخرланаман.

### ОИВ ЎЗБЕКИСТОННИ АЪЗОЛИККА ТАҚЛИФ ЭТАШТИ

«Ўзвизсаноат-холдинг» компаниясида турли вазирилик ва идоралар вакиллари ҳамда Халқаро Узумчилик ва виночилик ташкилоти (ОИВ) бош директори Федерико Кастеллуччи ўртасида ташкил этилган учрашувнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Компания матбуот хизматидан хабар қилинишича, жаноб Кастеллуччи юртимизга ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатish ҳамда Ўзбекистонни мазкур ташкилотга тўлақонли аъзо сифатида киритиш имкониятларини кўриб чиқиш мақсадида ташриф буюрган. Мазкур халқаро ташкилот (Office International de la vigne et du vin, O. I. V.)га 1924 йилда асос солинган бўлиб, айни пайтда дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган вино маҳсулотларининг 80 фоиздан ортиги унга аъзо 45 та давлат ҳиссасига тўғри келади. ХУВТнинг асосий вазифаси виночилик тармоғи вакиллари манфаатларини ҳимом қилиш, улар учун қўлай бозор муҳити яратишдан иборатдир. Тадбирда ОИВга аъзо бўлиш тартиб-қоидалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Ш.Хўжаев

Қутлов

# «ШЎРТАННЕФТГАЗ» унитар шўъба корхонаси жамоаси



**баркамол авлодни тарбиялаш ишига камарбаста бўлган устоз ва мураббийларимизни касб байрамлари билан самимий қутлайди. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, хонадонингиздан шоду хуррамлик аримасин, деб қоламиз. Сизга таъзим, сизга эҳтиром, азиз устозлар!**





## БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

эртамиз эгаларини билимли,  
баркамол инсонлар этиб  
тарбиялашда фидойилик  
кўрсатаётган муаллимларимизни

**1 ОКТЯБРЬ —**

**«ЎҚИТУВЧИ ВА**

**МУРАББИЙЛАР КУНИ»**

билан самимий табриклайди.

Азиз, меҳрибон устозлар,

Сизларга сиҳат-саломатлик,  
баркамол авлодни тарбиялаш  
йўлидаги шарафли ишингизда  
улкан зафарлар тилаймиз.

Хонадонларингиздан тинчлик-омонлик,  
дастурхонингиздан эса қут-барака аримасин!



**Шогирдларингиз ва фарзандларингиз  
камолини кўриш барчангизга насиб этсин!**





## Озод юртининг обод оиласи

Меҳнатнинг таги — роҳат, дейди халқимиз. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Катта хирмонтепа» маҳалласида яшовчи Бахтиёр Хусанов юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида салкам қирқ йил сидқидилдан хизмат қилиб, эндиликда ҳалол меҳнат гаштини сурмоқда. Мазмунли умри давомида шаҳардаги бир қатор корхона ва ташкилотларда ишлади, ўз фаолияти ва жонқурлиги билан жамоатчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Нафақа ёшига етган, бир овоздан «Катта хирмонтепа» МФЙга раис этиб сайланганлиги ҳам бежиз эмас.

— Маҳаллаимиз ҳудудидаги 27 та кўп қаватли уйда жами 5250 нафар киши яшайди, — дейди Б.Хусанов. — Улар учун ҳар томонлама қулайлик яратиш, оғирини енгил қилишга алоҳида эътибор қаратаямиз. Хусусан, фаолларнинг саъй-ҳаракати билан маҳалла ҳудудида 120 ўришли замонавий очик автотураржой ҳамда икки қаватли дала дўқони барпо этилди. Яқин келажақда кўп қаватли уйлар орасида мини-футбол майдони ва болалар ўйингоҳи ташкил этишни режалаштириб турибмиз.

Қаҳрамонимизнинг оиласи ҳам ҳаваз килса аризулиги. Турмуш ўртоғи Кумри опа билан бир қиз, бир ўғилни эл қорига ярайдиган инсонлар этиб тарбиялашди. Нарғиза айни кунда иқтисодчи-ҳисобчи бўлиб ишлаётган бўлса, Баҳромжон тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Уларнинг иккови ҳам олий маълумотлидир. Олти нафар набира эса оиланинг энг катта бахти ва қувониқи.

Салом, 30-йил олган сўраш

## Бир ҳовуч дур

Бир ҳақим шундай деган эди:  
— Ҳар кимда олтин у қумуш қанчалик кўп бўлмасин, агар у беҳунар бўлса, мевасиз дарахтдир.

Бузургмеҳрдан сўрашибди:  
— Одамлар назарга илмайдиган бебаҳо фазилат нима?  
— Камтарлик, — деб жавоб берибди у.

## Бу ажиб гунё

Эркаларнинг кўриш қобилияти аёлларникига нисбатан яхшироқ. Аммо эшитиш қобилияти аксинча.

Инсонда 46 та хромосома бор. Нўхатда бу кўрсаткич 14 та, лангуст (қисқичбақа)да эса 200 тани ташкил этади.

Одам мияси кунига ишлаб чиқадиган электр импульслар дунёдаги барча телефонларнинг биргаликда ишлаб чиққан импульсларидан кўп.

Момақалдиқорлар Ер қуррасига йилига 10 миллион тонна азот туширади.

Гавай алифбоси 12 ҳарфдан иборат.

«Кока-кола» ичимлиги дастлаб яшил рангда бўлган.

**Автомобили УАЗ**  
от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:  
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99891) 303-90-09, (+99891) 177-01-17.

УАЗ Patriot (comfort) — пикап Полноприводный (4x4)

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

РЕКЛАМА

**LADA БИЗНЕС**  
от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

**ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.**

**ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.**

**ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.**

**ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.**

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:  
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99891) 303-90-09, (+99891) 177-01-17.

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

РЕКЛАМА

**«NAVOIYAZOT»**  
OCHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI

**ИГНА БИЛАН ТЎҚИЛГАН МАТОНИ**  
(эни 160 см, зичлиги 280 г/м<sup>2</sup>) СОТУВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

ИГНА БИЛАН ТЎҚИЛГАН МАТОНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИШЛАТИЛИШИ:  
Қоплаш материали сифатида мебель саноатида, ортопедик ва пружинали (каркасли) матраслар ишлаб чиқаришда, уй жиҳозлари, дазмол тахталарини қоплаш учун, махсус кийим ишлаб чиқаришда; Устки кийимлар (курткалар, шимлар), комбинезонлар, ўстик ниқоблари учун махсус қопламалар, қўлқоплар, ўзбек миллий кийимларини тайёрлашда ҳам кенг қўлланилади, масалан, чопон тикишда.

Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-5,  
Факс: (+99879) 223-75-80.  
Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99,  
e-mail: [market@navoiyazot.uz](mailto:market@navoiyazot.uz)

[www.navoiyazot.uz](http://www.navoiyazot.uz)

СОТУВ БЎЛИМИ: (+99879) 229-23-04, 229-21-68, e-mail: [sale@navoiyazot.uz](mailto:sale@navoiyazot.uz)

Махсусот сертификатланган

РЕКЛАМА

Хурматли тадбиркорлар!  
**«АСАКА» БАНК (ОАЖ)**

**«EXPORT IMPORT BANK OF KOREA» (КОРЕЯ) ВА «COMMERZBANK AG» (ГЕРМАНИЯ) КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ИШТИРОКИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

**Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:**

Лойиҳалар	Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва/ёки реконструкция қилиш бўйича лойиҳа
Қарз олувчи	«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялар; «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компанияларга товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган ёки Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялардан товарлар олаётган ва хизматларидан фойдаланаётган Корея капитали иштирок этмаган компаниялар.
Кредитлардан мақсадли фойдаланиш	«Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича Ўзбекистон резиденти — хусусий кичик корхона, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари.
Кредитлардан мақсадли фойдаланиш	«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича Корея капитали иштирокидаги компаниялар учун: - ускуналар харид қилиш ва ўрнатиш; - стратегик инвестициялар. Корея капитали иштирок этмаган компаниялар учун: - ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; - ускуналар харид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш.
Кредитлардан мақсадли фойдаланиш	«Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича Импорт ускуналари ва технологиялари харидини молиялаштириш, шунингдек, ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш.

Маълумот учун телефонлар:  
**8 (371) 120-39-04, 120-39-56, 120-39-58**

**«Асака» банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!**

Хизматлар лицензияланган!

**МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!**

Барча тракторлар «ТОГЛАР» МЧЖнинг Тошкентдаги умборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- «Беларусь» (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 102.5, 2, 1221.2
- Запасные части к тракторам «Беларусь»
- Шины различных моделей

Махсусот сертификатланган

**Т.: (+99871) 252-16-29, 255-09-55.**  
e-mail: [toglar\\_uz@mail.ru](mailto:toglar_uz@mail.ru) [www.toglar.uz](http://www.toglar.uz)